



“ 31 ” январь 2018 у № 5

**Уй хўжаликларида кузатув ўтказиш бўйича услубий низомига  
ўзгартириш ва қўшимча киритиш ҳақида**

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги Қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3165-сон қарорига мувофиқ, уй хўжаликларида таъланма кузатувларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича амалдаги услубиятни янада такомиллаштириш мақсадида, Давлат статистика қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2010 йил 24 декабрдаги 18-сон қарори билан тасдиқланган Уй хўжаликларида кузатув ўтказиш бўйича услубий низомига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимча киритилсин.
2. Мазкур қарор 2018 йил 1 февралдан кучга киради.

**Раис**

**Б.Бегалов**

Ўзбекистон Республикаси  
Давлат статистика қўмитасининг  
2018 йил “ 31 ” январь  
5 -сон қарорига  
ИЛОВА

**Уй хўжаликларида кузатув ўтказиш бўйича услубий низомга  
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимча**

1. 15-банд иккинчи хат-бошиси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“Шунингдек, уй хўжалигига кундаликни юритиш даврида бепул (ўз хўжалигидан, иш хақи ўрнига, совга ва беминнат ёрдам тариқасида) келиб тушган озиқ-овқат маҳсулотлари ҳисобга олинади. Бундан ташқари, кундалик ёзувларда Кундалик юритиш даврининг бошида ва охирида уй хўжалигида мавжуд сотиб олинган озиқ-овқат маҳсулотлари қолдиги қайд қилинади.”.

2. 16-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“16. Уй хўжаликлари кузатуви саволномаси бўйича сўров ўтказиш дастури уй хўжаликлари аъзоларининг демографик хусусиятлари ва таълим даражасини, турар-жой шароитларини, коммунал хизматлар билан таъминланганлигини, хўжалик фаолиятини юритиш шароитларини, оиланинг умумий даромадлари ва тушумлари манбаларини, ишлаб чиқариш фаолиятини, имтиёзларни, ноистеъмол харажатлар ва тўловларни, узок муддат фойдаланиладиган буюмлар билан таъминланганлигини, уй хўжаликларида муқобил энергия манбаларининг мавжудлиги ва фойдаланилишини, уй хўжаликларида АКТ воситаларидан фойдаланиш имкониятлари мавжудлигини ҳамда яқка тартибга хос хусусиятга эга уй хўжалигини 16 ёш ва ундан катта ёшдаги аъзоларининг бандлиги ва даромадлари, уй хўжалигининг 10 ёш ва ундан катта ёшдаги аъзоларида АКТ воситаларидан фойдаланиш имконияти мавжудлиги ва кўлами, уй хўжалиги аъзоларининг моддий ва ижтимоий ҳолатларидан қониқишларини баҳолаши тўғрисидаги – маълумотларни ўз ичига оладиган – саволларни камраб олади.”.